

«Ва инсонга ота-онасига яхшилик қилишни тавсия қилдик»



00:46 / 30.09.2018 3738

Мазкур бўлимда шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг **“Одоблар хазинаси”** асаридан ота-онага яхшилик қилиш масалаларига бағишланган мавзуларни тақдим этиб боришни лозим топдик. Унда набавий одобларнинг катта мажмуаси жамлангандир.

Бу ишимизда Аллоҳ таолонинг Ўзи мададкор бўлсин!

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

1-боб. Аллоҳ таолонинг «Ва инсонга ота-онасига яхшилик қилишни тавсия қилдик»

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифнинг санадида Имом Бухорийдан олдин икки кишининг исмлари тўлиқ зикр қилинмоқда. Улардан имом Бухорийга яқин турганлари у кишидан «Ал-Адаб ал-муфрад» китобини бевосита ривоят қилган шогирдларидир. У кишидан кейин биз учун биринчи бўлиб исмлари зикр қилинаётган шахс имом Бухорийнинг шогирдларининг шогирдидир. Ана ўша набира шогирднинг қўлёзмаси бизнинг вақтимизгача етиб келган ва у баъзи матбааларда чоп қилинган.

Демак, бу китоб бизга етиб келишида хизмат қилган учта силсиланинг вакиллари бор.

Имом Бухорийдан Абулхайр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Жалил ибн Холид ибн Ҳурайс Бухорий Кирмоний Абқасий Баззор уч юз йигирма иккинчи санада китобни тўлиқ ўқиб, ривоят қилишга ижозат олган.

Кейин у киши ўзининг Ибн Наёзикий исми ила маъруф ва машҳур бўлган шогирди Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Ҳомид ибн Ҳорун ибн Абдулжаббор Бухорий олдида «Ал-Адаб ал-муфрад»ни ўқиб ўтказганидан сўнг ижозат берган.

Бу иш Баззор уч юз еттинчи сананинг сафар ойида ҳожи бўлиб келганида амалга ошган. Ана шу қўлёзма бизнинг давримизгача етиб келган.

Имом Бухорийнинг кунялари Абу Абдуллоҳдир. (Араб тилида бош фарзанднинг ёки бирор кишининг исми олдида «Абу»ни қўйиб, «фалончининг отаси» деб чақириш «куня» дейилади.)

Имом Бухорийнинг ўз исмлари Муҳаммад, оталарининг исми Исмоил, боболарининг исми Иброҳим, катта боболарининг исми Муғйра, бобокалонларининг исми Аҳнаф. Аслида бу катта бобонинг мусулмон бўлмасдан олдинги исми Бардизбах бўлган. Исломни қабул қилганидан кейин Аҳнаф деб ўзгартирилган.

Имом Бухорийнинг Жўъфий деган нисбатлари ҳам бор, чунки у кишининг Бухородаги қабилалари Ямандан келган Жўъф қабиласи билан дўст тутинишган. Имом Бухорийнинг катта боболари Жўъф қабиласининг одамлари ёрдамида, уларнинг даъвати ила Исломга кирганлар. Мана шу сабабларга кўра имом Бухорийнинг катта боболаридан бошланган авлодлари Жўфий лақабини олган.

Баъзи бир доираларда буни тушунмасдан, имом Бухорий яманлик экан, деб юрганлар ҳам бор. Айниқса баъзи яманликлар бу гапни кўп такрорлашади.

«Бу кишини Жўъфий дейишади, Жўъф кабиласи эса Яманда, демак, имом Бухорий Бухорога Ямандан бориб қолган экан», деган гапларни айтишади. Бу гаплар илмий ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Аниғи шуки, имом Бухорийнинг қабиласи, яъни оилалари Жўъф қабиласидан келиб, Бухорода Исломни тарқатиш билан машғул бўлган кишилар билан ошно тутинган, оға-ини бўлган.

Имом Бухорий ўзларига ҳадис кимлар орқали етиб келган бўлса, ана шу кишилардан ҳар бирининг исмларини келтирадилар. Биз эса фақат биринчи ровийнинг, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган саҳобийнинг исмларини ўрганиш билан кифояланамиз.

Матнда айтилишича, Шайбоний лақабли бир киши ёнида ўтирган одамларга қўли билан кўрсатиб, «Бизга мана бу ҳовлининг эгаси ҳадис айтган», деган эканлар. Ана шу уйнинг эгаси эса Абдуллоҳ экан.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, ҳадис китобларида Абдуллоҳ дейилиб, кимнинг ўғли экани айтилмаса, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу назарда тутилган бўлади. Муҳаддислар гапни чўзмаслик учун Абдуллоҳ деб кетаверишга иттифоқ қилишган. Қаерда «Қола Абдуллоҳ», «Ҳаддасана Абдуллоҳ» дейилса, Абдуллоҳ ибн Масъуд назарда тутилган бўлади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд улкан саҳобийлардан, энг дастлабки иймонга келган кишилардан бўлиб, Набий алайҳиссалоту вассаломдан жуда кўп ҳадис ривоят қилганлар.

Бу ҳадиси шарифда намоз ўқишдан кейинги энг афзал иш ота-онага яхшилик қилиш экани таъкидланмоқда, ҳатто Аллоҳнинг йўлида жидду жаҳд қилишдан ҳам устун қўйилапти. Мана шундан биламизки, ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг хизматини бажариш, уларни улуғлаш шу қадар буюк бир иш экан.

Исломда намоз диннинг устун эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Ана шу динимизга устун бўлган намоз ибодатидан кейин энг афзал ишлардан бири ота-онага яхшилик қилиш экан.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Илмли кишидан Аллоҳ таолога маҳбуб ишларни сўраб ўрганиш яхши иш экани.

2. Фарз намозларни ўз вақтида ўқиш жуда фазилатли, Аллоҳ таолога энг маҳбуб иш экани.

طَخَسَ فِي بَرِّ الْأُولَى وَالْأُولَى أَضْرَ فِي بَرِّ الْأُولَى وَالْأُولَى أَضْرَ : لَأَقْرَمُ عَنِّي بَلَدٌ لَدَّبَعَنِي - 2
الْأُولَى

2. Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади:

«Роббнинг ризоси ота-онанинг ризосидадир. Роббнинг норозилиги ота-онанинг норозилигидадир».

Шарҳ: Бу ҳадисда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг гаплари келтирилмоқда. Баъзи вақтларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эмас, саҳобалар тилидан айтилган муҳим маънодаги гаплар ҳадис китобларимизда келтирилаверади. Чунки саҳобалар бундай гапларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитишмаса, ўзларидан айтишмайди.

Бизда «Ота рози – Худо рози» деган гап бор. Худди мана шу халқ сўзи биз ўрганаётган ҳадиснинг таржимасидир. Роббнинг розилиги волид, яъни ота-онанинг розилигидадир. Аллоҳ таолонинг норозилиги эса ота-онанинг норозилигидадир.

Демак, ким Аллоҳ таолони рози қилишни истаса, ота-онанинг розилигини олишга ҳаракат қилиши керак экан. Ким Аллоҳ таоло мендан норози бўлмасин, деса, ота-онасини норози қилмаслик учун ҳаракат қилиши керак экан.